



ХУНАРМАНДЧИЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА УЛАРНИНГ МАВЗУИЙ ГУРУҲЛАРИ

Абдувалиева Хулкаррой Лутфулла қизи

Андижон Давлат Чет тиллари институтининг англиз филологияси,
ўқитиш методикаси ва таржимашунослик факултети Инглиз тили
ўқитишнинг интеграллашган курси кафедраси ўқитувчиси
abduvaliyevahulkaroy@gmail.com

Телефон +998940270212

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10142394>

ARTICLE INFO

Received: 08th November 2023

Accepted: 15th November 2023

Online: 16th November 2023

KEY WORDS

Давр, лексема, луғат, қўл
меҳнати, дурадгор, процесс.

ABSTRACT

Ушбу мақолада хунармандчилик терминологиясидаги терминларни пайдо бўлиши, уларни илмий термин сифатида шаклланиши, ушбу терминлар бугунги кунда ўзбек ва англиз тилларида номланиши ҳақида ҳам фикр юритилган. Шунингдек бадий асарларда ҳам хунармандчилик терминларини қўллама наънода қўллаш хусусиятлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Маълумки, хунармандчилик лой, тош, қум ёғочга ва темирга механик ишлов берувчи саноат соҳаси ҳозирда жуда тараққий этган, техникалашган соҳалардан бирига айланди. Унинг тарихи эса узоқ ўтмишга бориб тақалади. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу ҳақда шундай ёзилади: «Ибтидоий жамиятда овчилик, балиқчилик қилиш, ўсимлик илдизларини кавлаб олиш каби жараёнларда тош асбоблар қатори хунармандчиликнинг ибтидоий буюмлари ҳам қўлланилган. Тош даврига оид топилмалар орасида тош қуролларнинг ёғоч соплари, ёғоч қуроллар ва ҳ.к. учрайди. Темир ва бронза даври ёдгорликлари хунармандчилик касбининг анча мураккаблаганини, дурадгорлик буюмларининг хили кўпайганлигини кўрсатади. Кишиларнинг ғорлардан чиқиб уйларқура бошлаши, чорвачилик ва деҳқончилик урф бўлиши, хунармандчиликнинг турли тармоқларига оид дастлабки намуналар вужудга келишига сабаб бўлди. Сув бўйида яшайдиган кишилар орасида балиқ овлаш ва алоқа воситалари пайдо бўлди[1,672-678].

Шу даврларда хунармандчилик соҳасига оид ёғочга ишлов бериш қўл меҳнатига асосланган ва шу йўналишнинг махсуслашган термин сўзлари мавжуд эди.

Хунармандчилик терминологиясидаги терминлар қачондан бошлаб илмий термин сифатида шакллана бошлади? Бу шаклланиш жараёни биринчи навбатда экстралисоний омиллар билан боғлиқ, албатта.

Изоҳли луғатларида хунармандчилик саноати изоҳи таркибида яна шундай жумлалар берилган: ЎТИЛда — Хунармандчилик саноати узоқ вақтгача маҳаллий хом ашё ресурслари билан чегараланган ҳолда ривожланди. Бу саноатнинг тараққиёти капитал қурилишнинг кўпайиши, машинасозлик, мебель саноатининг тараққий этиши, шунингдек, товар оборотининг кўпайиши билан боғлиқ. Узоқ вақтгача бу тармоқда



кустар-хунармандчилик корхоналари, оддий конструкцияда мебель ишлаб чиқарадиган артеллар, керакли асбоб-ускуналар билан таъминланмаган цехлар ишлаб келди. Урушдан кейинги даврларда хунармандчилик артеллари ва туман, шаҳар саноат комбинатларининг йирикроқ мебель цехлари базасида мебель фабрикаларини, ёғочни қайта ишлаш цехларини бирлаштириш натижасида ёғочни қайта ишлаш заводлари ташкил этила бошлади. ... республикада хунармандчилик саноати жадал суръатлар билан ривожланди.

Ўзбек тилида қадимдан "ёғочдан иморат ва бошқа ҳар хил буюмлар ясовчи хунарманд"[2] маъносида *дурадгор ва нажжор* сўзлари ишлатиб келинган. Улар негизида *дурадгорлик ва нажжорлик* лексемалари ҳосил бўлган. Дурадгорлик сўзига ЎТИЛда "дурадгорлик касби, ёғочсозлик хунари"[3,142] деб қисқагина изоҳ берилган. Шунингдек, луғатда қўшимча маъно ҳам берилган бўлиб, у қуйидагича таърифланган: "дурадгорлар ишлайдиган жой, устахона; дурадгорлар растаси". ЎТИЛда эса дурадгор терминига "ёғочга ишлов берувчи, нажжор/ ёғочдан иморат ва бошқа ҳар хил буюмлар ясовчи хунарманд, уста" деб таъриф берилган бўлиб, дурадгор - касб оти" дейиш билан чекланилган.

Демак, бу манбаларда *дурадгор ва ёғочсоз, дурадгорлик* лексемалари деярли бир тушунчани ифодаловчи сўзлар сифатида изоҳланган.

Хунармандчилик терминининг ёғочга ва темирга ишлов берувчи саноат маъносида қўлланаётганлигини юқорида келтирилганлардан ташқари яна айрим манбалардан олинган қуйидаги мисоллар ҳам тўла тасдиқлайди: Замонавий хунармандчилик саноати корхонасида ишлаб чиқариш процесси: материални бевосита ишладан.. ва шунга алоқадор процесслардан... иборат.Хунармандчилик саноатида мебель, деталь ва буюмларнинг юзасида ҳимоянинг декоратив парда қатлам ҳосил қилиш технологияси алоҳида ўрин эгаллайди ва б.

XVIII асрларда яшаб ижод қилган шоирлардан Гулханийнинг «Зарбулмасал» асаридаги «Маймун билан нажжор» сарлавҳали масалида *нажжор* ишлатилган. Бу лексемани Муқимий асарларида ҳам учратиш мумкин:

Ду бора юрдим доштлаб,

Бодом конига қараб:

Мирзо Умарни сўроғлаб,

Ҳовлида *нажжор* экан[4,9].

Дурадгор нажжорга нисбатан кейинги даврларда ўзбек тилида қўллана бошланди.

Нажжор лексемаси архаизм қаторига ўтган, *дурадгордан* торроқ маънода ҳозирда ҳам фаол ишлатиб келинмоқда.

Инглиз тилида айнан хунармандчилик атамаларига оид илмий тадқиқот ишлари ўрганмоқчи бўлганимизда, бундай ишлар устида ишланган кенг кўламли тадқиқот ишларини учратмадик. Ушбу тилда хунармандчиликка оид терминларни кичик-кичик мақолаларда ўрганиш билан чекланганлиги гувоҳи бўлдик. Лекин, хунарманд касб-хунар эгалари номларининг умумий тур лексемаси экан, у ўз навбатида ҳар икки тилда гипонимлик ролини ҳам бажаради. Гипоним эса бир қатор гиперонимларга эга бўлиши табиийдир. Шундай гиперонимлар таъкидланганидек, йигирмадан ортиқ терминдан



иборат. Қуйидагилар шу терминлар жумласидандир: **ўзбек тилида:** *аравасоз, жавансоз//шкафсоз, бешиксоз, конструктор, мебелсоз;*

инглиз тилида: *joiner, cabinet-maker, woodworker, builder, craftsman;*

Фан-техника, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда рўй берган ва рўй бераётган ихтиролар, янгиликларнинг тобора ошиб бориши, меҳнат тақсимотини сезиларли даражада ривожланиши юқоридаги гиперонимларнинг юзага келишида асосий омиллардан саналади.

Хунармандни қайта ишлаш, яъни буюмлар яшаш мақсадида хилма-хил асбоб-ускуналардан фойдаланилади. Техник воситаларнинг ривожланиши муносабати билан, саноатнинг бошқа соҳаларида бўлганидек, дурадгорлик саноатида ҳам ёғочни рандалаш, ўйиш, пармалаш, ўлчаш-белгилаш ва ёрдамчи ишларни амалга ошириш мақсадларида турли-туман асбоблар кашф этилган.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз ва ўзбек тилларининг хунармандчилик терминологияси яхлит системадан иборат бўлиб, унинг қамрови мавзуй гуруҳлар мажмуини ташкил этади. Яъни, бу система касб эгалари номлари, касб-корлар номлари, хунармандчиликдаги иш жараёнлари, маҳсулот номлари, хунармандчиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар номлари каби мавзуй гуруҳлардан таркиб топган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўзига хос терминлар мавжуддир. Бундай лексемаларнинг аксарияти умумий тилда ҳам фаол ишлатиб келинмоқда.

References:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли/ А. Мадвалиев таҳр. ост.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008. – Б. 672-678.
2. Ўзбектилинингизоҳлилуғати. II томлик. - М., 1983.
3. Ўзбек Совет энциклопедияси. – Тошкент, 1973. III жилд. – 142-бет.
4. Муқимий. Асарлар тўплами. – Тошкент, 1960. – 9-бет.